

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 218 (10.021)

2003 ЙИЛ 10 НОЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА

● **МОСКВА** шаҳри халқаро алоқалар департаментининг тақлифига биноан иқтисод, қурилиш ва бошқа соҳаларда тажриба алмашиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги вакиллари билан иборат делегация аъзолари 17-23 ноябрь кунлари Россия Федерацияси пойтахтида бўладилар.

● **БУГУН** Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида франциялик мутахассислар иштирокида «Француз-Ўзбек институционал имкониятларини ривожлантириш ҳамкорлиги» мавзuida илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

● **ДАВЛАТ** солиқ қўмитасида оммавий ахборот воситалари ходимлари ва солиқ тизими мутасаддилари иштирокида уюштирилган семинарда матбуотда солиқ тизими фаолияти ёритилишининг аҳамияти ҳақида сўз борди.

● **Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

Хуштаъм «Тошкент» чойлари ҳамшаҳарларимизга манзур бўлаётгани унинг қадокловчилари — «TASHKENT TEA FACTORY» қўшма корхонаси тadbиркорларини янги изланишларга ундамоқда.

**СУРАТДА:** қадоклаш чеҳи ишчилари Умида Ҳакимова, Муножот Пулатова ва Қобил Қодиров сифатга эътибор қаратишади.



## ҚАРОР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида мазкур қарор ижросини таъминлашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Уни давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси К.Юсупов бошқарди.

Тadbирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони А.Орипов, «Ўзтелерадио» компанияси раисининг биринчи ўринбосари Ф.Рўзиев, Миллий Олимпия қўмитаси раиси

А.Носиров ва бошқалар давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган мазкур қарор мамлакатимизда спортни ҳар томонлама ривожлантириш, ёш авлодни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш ишида муҳим омил бўлишини алоҳи-

да таъкидлашди.

Йиғилишда мазкур ҳужжатнинг асл моҳияти, ундан кўзланган мақсад, белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасидаги ишлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЎЗА

## Ўзбекистон — қўшмий қўшимиз

Ўзбекистон бой ва турфа маданиятлар гуллаб-яшнаётган мамлакатлардан биридир. Шу юртининг ривож, порлоқ истиқболи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган турли миллатга мансуб юртдошларимиз ўртасидаги миллатлараро тотувлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни асраб-авайлаш, бундай муқаддас ришталарни янада мустаҳкамлаш тинчлик ва осойишталикнинг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилади.



## КУЙ—ҚЎШИҚҚА УЛАНДИ

Хусусан Юртбошимиз таъкидлаганларидек, юртимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш, ягона хонадонимиз бўлмиш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча инсонларнинг миллати ва дини, irqи ва жинсига қарамавсан уларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш — бу борадаги ишларимизнинг асосий

маъно-мазмунига айланиши даркор. Шу ўринда Республика Байналмилал маданият маркази ҳамда у билан узвий ҳамкорликда фаолият олиб борувчи 130 дан зиёд миллий-маданий марказлар томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар эътиборга олинди.

Давоми 6-бетда.

## • ОБУНА — 2004

### «ОҚШОМ» БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!

Қадрли газетхонлар! Айни кунларда сиз ҳаммаша севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига 2004 йил учун қизгин обуна давом этмоқда. Бинобарин, у сизга ҳар доим энг яқин суҳбатдош, дўст, ҳамкор ва ҳамроҳ бўлиб келган. Буни шу кунларда тахририятга келаётган дил номаларидан ҳам билиш мумкин. Газетага бўлган юксак меҳрингиз, садоқатингиз учун сизларга катта ташаккуримизни билдирган ҳолда шу кунларда пойтахтимизнинг барча алоқа бўлимларида газетага обуна расмийлаштирилаётганини яна бир қарра эслатиб ўтишни лозим деб топдик.

«Тошкент оқшоми» келгуси йилда ҳам мамлакатимизда, унинг азим пойтахтида ва кенг жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янгиликларни тезкорлик билан ёритади, сиз севиб ўқийдиган ранг-баранг мавзудаги мақолалар газета саҳифаларидан мунтазам ўрин олади, деб ишонтирамиз. Шундай экан, вақтни ғанимат билиб сеvimли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Шундагина сизнинг нури хонадонингизга 2004 йилнинг дастлабки кунидан бошлаб «Оқшом»нинг ўзи ташриф буюради.



## ХУЎ САДОСИ

Барча манбалардан олиқмак суғити хабарлар

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 345 минг тонналик улкан пахта хирмонини бунёд этиб, йиллик шартнома-режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарган Сурхондарё вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўлади.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг дастлабки йиғилиши бўлиб ўтди.

● Жанубий Кореянинг Ёнсан-Гу шаҳри ҳокими Пак Чунг Кю раҳбарлигидаги корейлик меҳмонлар делегациясининг Фарғонага ташрифи чоғида Фарғона ва Ёнсан-Гу шаҳарлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

● Тошкент шаҳрини Самарқанд билан боғлайдиган теъзиркор поездлар ҳаракатини йўлга қўйиш борасидаги ишлар жадал давом этмоқда. Ҳозирда Чиноз бекати худудини мослаштириш ҳаракатлари бошланди. Кунни кеча йўлсозлар бу ерда 1100 метрдан ортқк йўлга янги шпал ва рельслар ётқизишди.

● Қорақалпоғистоннинг Чимбой, Қораўзак ва Тахтакўпир тумани аҳолиси янги йилдан замонавий телефон алоқаси хизматидан фойдалана бошлайди.

● Республика Болалар бандий ижодиёти марказида ногирон болалар, меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, шунингдек, кўп болали ва кам таъминланган оилалар болалари иштирокида ўтказилган «Маҳаллада ўсдим, улгайдим, юртим учун сарфлай меҳрим, билимим» республика кўрик-танловининг якунлари чиқарилди.

### Жаҳонда

● «Очик осмон» сиёсатини юритаётган Ҳиндистон ҳукумати АСЕАН аъзолари бўлиш 10 та давлатнинг барча фуқаролар авиакомпанияларига ўз ҳаво дарвозаларини очиш тўғрисида қарор қабул қилди. Эндиликда АСЕАН мамлакатлари авиакомпаниялари икки томонлама шартнома тузмасдан Ҳиндистоннинг йирик шаҳарларида ҳаво қатновларини бажаришлари мумкин бўлади.

● Шри-Ланка Президенти Чандрика Кумаратунга мамлакатда фавқулодда вазият жорий этди.

● Саудия Арабистонда амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида 28 киши ҳалок бўлди, 100 дан ортқк киши жароҳатланди.

**Истеъсоқийёт**

**АНИК  
МАҚСАДЛАРНИ  
КЎЗЛАБ**

Пойтахтимиздаги самарали фаолият юритаётган «ТЭКиК» масъулият чекланган жамияти таърибли ишчи-хизматчилари тайёрлаётган ускуна ва минн технологиялар асосан юртимизда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган.

Ҳозирги кунда жамиятнинг тадбиркорлари сайй-ҳаракатлари туфайли Чилонзор, Ҳамза туманларида ҳамда шаҳардан ташқарида — Зангиота туманида ишлаб чиқариш корхоналарида ишлар бир маромда давом этмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган кичик технологиялар ўзининг замонавийлиги, ишлатишда оддийлиги, қулайлиги, асосийси экологик тозаллиги ва нисбатан арзонлиги билан хариддорларини мамнун қилмоқда.

Масалан, бугунги кунда корхонада 20 турдан ортиқ буюртмалар бажарилмоқда. Шулардан бири горизонтал тегирмонни олиб кўрайлик, унда 1 соатда 500 килограмм бугдойни унга айлантириш мумкин. Тегирмон таркибига чиқит тушадиган ускуна ҳам кирди. Макарон тайёрлайдиган машина эса 1 соатда 60 килограмм бир неча турдаги макарон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Эътиборли томони, бу техникалар электр қувватини кам сарфлайди. Мазкур технологиялар Марказий Осиё давлатларига ҳамда Болгарияга экспорт қилинмоқда.

Корхона тадбиркорлари аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда ускуналар ва технологиялар турларини кўпайтириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш устида меҳнат қилмоқдалар.

**ЯНГИ  
МАҚСУЛОТЛАР**

Халқимиз бугунги кунда нафақат сифатли, чиройли, чидамли, балки ишлатишда ҳам оддий ва қулай ҳамда асосийси экологик тоза қурилиш маҳсулотларини харид қилишни хоҳлаши табиий ҳол, албатта.

Шаҳримизда бундай қурилиш материаллари ишлаб чиқараётган корхоналар сафи йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Шулар қаторида Мирзо Улугбек туманида фаолият кўрсатаётган «Аҳмедов» хусусий корхонаси тадбиркорлари ҳам яқинда ангилликка кўл урдилар. Яъни, улар Хитойдан замонавий технологиялар олишлари билан бирга янги маҳсулот — алюминдан витражлар тайёрлашни йўлга қўйдилар. Бундан ташқари, металлдан панжаралар, хонадон ва офислар, сув ҳавзалари учун зиналар ишлаб чиқаришга қизгин тайёргарлик бормоқда.

Мазкур корхонанинг малакали ишчи-хизматчилари буюртмачиларнинг истагига биноан жойларга бориб маслаҳатлар берадилар, шунингдек, буюртма ўлчамини олиш, маҳсулот тайёр бўлган уни олиб бориб ўрнатиш каби юмушларни сифатли бажарадилар. Ҳозирги кунда корхонада пластикадан тайёрланаётган ром, эшик ва витражлар ўз хариддорларини мамнун этмоқда. Бу каби маҳсулотлар ўрнатилган бинолар шовқин, чангдан холи бўлиши билан бирга, хона ҳарорати ҳам бир хилда сақланади.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

**Фаннинг урғулари**

— Бахтиёр Тўлаганович, Фанлар академиясининг илм-фан ривожига кўшаётган муносиб ҳиссаси, бугунги кундаги фаолияти, илмий-тадқиқотлари хусусида гапириб берсангиз.

— Мамлакатимизда Фанлар академиясининг вужудга келишида халқимизнинг юксак илмий-ижодий тафаккури, буюк аждодларимизнинг ақл-заковати, шунингдек Маъмун академияси, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийси каби илм-фан марказларида яратилган бой илмий мерос, маданий аъёналарнинг аҳамияти катта. Мустақилликка эришганимиздан сўнг айниқса Фанлар академияси фаолиятида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, кейинги бир йил натижаларига назар ташлайдиган бўлсак,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил мартдаги «Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида Фанлар академияси 2003 йилдан молиялаштиришнинг янги грант тизимига ўтди. Шунингдек, 7 фундаментал ва 20 та давлат илмий-тадқиқот дастурларидаги 180 та фундаментал, 289 та давлат илмий-техник ва 15 та инновацион мавзулар бўйича молиялаштиришнинг янги грант тизими асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. 2002 йил давомида 10 фундаментал ва 22 та давлат илмий-тадқиқот дастурларидаги 204 та фундаментал мавзулар ва 208 та илмий техникавий топшириқлар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Жорий йилда Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларида фан номзодлиги бўйича 38 та, фан докторлиги бўйича 11 та диссертациялар ҳимоя қилинди. Шуни айтиш керакки, Фанлар академиясининг олимлари томонидан 63 дан ортиқ муаллифлик тақлифи берилиб, мазкур тақлифлардан 33 таси бўйича ижобий қарор олинди. Шунингдек, 18 та патент ҳамда 10 та дастлабки патент олинди. Ҳозирги кунда чет элда 38 нафар олим илмий иш олиб бормоқда. Шу билан бирга Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаларида ҳамкорликда илмий ишлар олиб бориш мақсадида чет эл мамлакатларидан келган 137 нафар олим ва мутахассислар фаолият кўрсатмоқдалар. 17 нафар хорижлик аспирантлар таҳсил олмақдалар.

— Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси олимлари томонидан жаҳон илмий жамоатчилиги эътироф этган кўлаб кашфиёт ва янгиликлар яратилаётгани сир эмас. Кейинги йилларда турли йўналишлар бўйича олиб борилган йирик жаҳоншумул илмий-тадқиқот натижаларига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Бугунги кунда Фанлар академиясининг институт ва лабораторияларида олимлар жамоалари томонидан ярати-

лаётган муҳим амалий аҳамиятга ва юксак илмий салоҳиятга эга тадқиқотлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Жумладан, физика - математика ва техника фанлари бўйича атомлар сочилиши узунлигининг даврий ўзгариши уч ўлчамли Бозе-Эйнштейн конденсатидаги колласининг тўхтатилишига, ночизикли коэффицентининг аста ўзгариб бориши, солитон ва ички моддаларнинг резонанс таъсирлашуви натижасида Бозе-

ди ва 2003 йилнинг тўққиз ойи якуни бўйича 104 фоиз ўзлаштирилиш кўзда тутилмоқда. Мазкур маблага фундаментал кутубхонанинг китоб сақлаш ombорхонаси, Хоразм Маъмун академиясининг лаборатория хоналари, Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа туманидаги Ботаника боғининг филиалини таъмирлаш ишлари, Радиоактив чикиндиларни кўмиш корхонасини газ билан таъмирлаш, Шарқшунослик институти таъмирлаш ишларининг техник хужжатлари тайёрланди ва Ядро физикаси институти худудининг санитария чегарасини тўсиш ишлари бажарилди. Фанлар академияси тизимида биологик ва ядровий хавфсизлик соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида АҚШ фондлари

**ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР —  
ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ**

Маълумки, яқинда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди. Дарҳақиқат, Фанлар академиясининг мамлакатимизда илм-фан тараққиётининг илмий-назарий фундаментал асосларини яратиш ва ривожлантириш борасидаги роли ва ҳиссаси катта. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг бош илмий котиби вазифасини бажарувчи Бахтиёр ИБРАГИМОВ билан бугунги кунда илм-фан, халқ хўжалигини ривожлантириш борасида олиб борилаётган илмий изланишлар ва эришилаётган муваффақиятлар, шунингдек академиянинг келгуси режалари хусусида суҳбатлашди.

Эйнштейн конденсати занжиридаги ўзаро таъсирлашувчи дискрет солитонларнинг парчаланишига олиб келиши мумкинлиги кўрсатилди; Майданак расадхонасида ва Пекин расадхонасининг спектрографади олинган NGC 6820/3 соҳасининг CCD-таъсирлари дастлабки таҳлилдан ўтказилди. Натижада ёш юлдузларнинг янги гуруҳи топилди. Табиий фанлар йўналиши бўйича эса масалан, Ўзбекистон худудининг платформа қисмида жойлашган сейсмоген зоналарнинг геологик-тектоник хусусиятлари ўрганилди, Фарбий Ўзбекистон худуди учун қучли zilзилалар намоеъ этиши жиҳатлари ва уларнинг каталогли ўрганилди ва тузилди. Газли zilзилаларнинг сейсмодетектоник моделини тузиш учун геологик-тектоник маълумотлар таҳлил қилинди. Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналиши бўйича эса илмий муассасалар томонидан эркинлаштириш шароитида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ривожлантиришнинг методологик асослари, республика халқларининг маданий, интеллектуал, адабий ва лисоний мероси ҳамда маънавий маданияти тараққиёти, ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихига оид тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, Қоратепадан топилган қадимий тарихимизга оид ноёб археологик топилмалар кўргазма витриналарга тизимли жойлаштирилиб, экспонатларни тавсифловчи матнлар тайёрланди ва «Қоратепе—Ўзбекистондаги буддизм маркази» кўргазмаси ташкил этилди. 12 жилдик «Ўзбек фольклори ва адабиёт тарихи», 3 жилдик «Адабиёт назарияси», 6 жилдик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» мавзулари бўйича ишлар давом эттирилди.

— Фанлар академиясида инвестиция дастурларининг ўзлаштирилиши борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Фанлар академиясининг манзилли дастури бўйича жорий йилда 100 миллион сўмлик, шу жумладан январь-август ойларида режа бўйича 81,5 миллион сўмлик капитал тушумлар келиб туш-

дан 3,5 миллион АҚШ долларлари миқдоридан ядро ёқилгисини қайта ишлаш учун маблаг ажратилди. Бундан ташқари илк бор ҳамкорликда олиб бориладиган тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида гуманитар фанлар йўналиши бўйича 1 миллион АҚШ долларлари, УНТЦ гранти бўйича 3 миллион АҚШ долларлари, 472 минг евро миқдоридан маблаг ажратилди. Шунингдек Америка Давлат департаментидан CRDF жамғармаси орқали ажратилган 200 минг АҚШ доллари ҳисобидан академиянинг бир қатор илмий-тадқиқот муассасаларига 70 та энг замонавий компьютерлар ажратилиб, янги Интернет марказлари ташкил этилди.

— Фанлар академиясида жорий йил давомида эътибор кучайтирилиш лозим бўлган вазифалар ва келгуси режалар хусусида нималар дея оласиз?

— Албатта, Фанлар академиясида қўлга киритилаётган ютуқлар билан бир қаторда ҳал қилинажак муаммолар ҳам йўқ эмас. Чунончи, келгусидаги вазифаларимизга тўхталадиган бўлсак, аввало ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишидаги олимларнинг хорижий ҳамкасблар билан илмий ҳамкорлигини ва хорижий грантлар танловидаги фаоллигини кучайтириш, академиянинг фаол ишлайдиган ва Интернет тармоғига жойлаштирилган Веб-саҳифаси мунтазам янгиланиб бориши бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш асосий юмушларимиз қаторига кирди. Бундан ташқари Фан ва технологиялар маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзфармасаноат» Давлат концерни, Фанлар академияси, Давлат патент идораси интеллектуал мулк объектларидан самарали фойдаланишга оид тегишли меъёрий хужжатларни тайёрлашга оид тақлифлар бериш ва бошқа шу каби масалаларни амалга ошириш асосий вазифаларимиздандир.

— Мазмунли суҳбат учун сизга ташаккур.

Диловрон ИКРОМОВА  
суҳбатлашди.

**Мақдониёт**

**ДОН АЗИЗ НЕЪМАТ**

Дон ризку-рўзимиз. Доннинг маҳсулоти нон эса, қуналик эҳтиёмимиз учун зарур бўлган энг азиз неъматдир. Доннишмандларимиз «Ноннинг ушогни ҳам нон» деб бежиз айтишмаган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда ғалла ва нон маҳсулотларининг етишмаслиги ўзига хос муаммоларни келтириб чиқарганди.

Хукуматимизнинг ушбу қийинчиликларни бартараф этиш, ғалла мустақиллигига эришиш борасидаги сайй-

ҳаракатлари бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. «Ўзбектелефильм» студияси ижодкорлари республикаимизда ғалла мустақиллигига эришиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилувчи 50 дақиқалик «Тўқинлик» телевизион хужжатли фильмини

яратдилар. Кунни кеча мазкур студияда янги хужжатли фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Фильмда етакчи олимларимиз юртимизда ғаллачилик тарихи, Туркистон ғаллазорларининг пахта майдонларига айлантирилиши қандай оқибатларга олиб келганини таҳлил қиладилар, шунингдек ғалла мустақиллигига эришишнинг афзалликлари, унинг имкониятлари очиб берилган. Фильмда ғалла майдонлари-

да тер тўкиб ҳалол ва фидокорона меҳнатлари эвазига Ўзбекистон Қаҳрамони уновонига сазовор бўлган Дўстмурод Абдуллаев ва Отаҳон Аламатовнинг ҳаёт йўллари ҳақида ҳам ҳикоя қилинади.

Ушбу фильмнинг яратилишида муаллиф Шойим Бўтаев, режиссёр Шўҳрат Бизаатов, оператор Марат Солиев, овоз оператори Ҳамид Тошхўжаевларнинг меҳнатлари алоҳида таҳсинга лойиқдир.

Гулҷеҳра ДУРДИЕВА

**Маълум**

**ХАЛҚАРО  
ТАШКИЛОТНИНГ  
ҲАҚИҚИЙ АЪЗОСИ**

Бугунги кунда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси марказий қўмитасининг халқаро алоқалари ҳам кенгайиб бормоқда. Таълим ходимлари касба уюшмаси халқаро ташкилотга аъзо этиб қабул қилиниши муносабати билан ҳам унинг нуфузи янада ортмоқда.

«Сийсий ва ижтимоий шерикичиликнинг ўқувчи мактебини оширишда тутган ўрни» деган мавзуда Тошкентда ўтказилган анжуман ҳам ушбу халқаро ташкилот тадбири сифатида ташкил этилди. Марказий Осий республикалари соҳа вакиллари иштирокида уюштирилган анжуманда Ўзбекистонда таълим соҳасида эришилаётган ютуқлар тўғрисида ҳам қатор маърузалар тингланди. Ушбу тадбир доирасида «Бозор иқтисодиёти шароитида таълим ва фан ходимлари касба уюшмасининг тутган ўрни» деган мавзуда давра сўхбати ҳам ташкил қилинди.

**УЛАР  
ҲИНДИСТОНДА  
ЎҚИШАДИ**

Тошкентдаги Ҳиндистон маданияти марказида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистоннинг иқтисодли талабаларини ҳинд тилига ўқитишга йўллан масаласи кўриб чиқилди. 2003-2004 ўқув йилида 31 нафар толиб илм Ҳиндистондаги нуфузли олий ўқув юргларида ўз билим ва маънавиятини ошириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Гап шундаки, Ўзбекистон еттига дўстона мамлакатлардан бири сифатида тан олинди. Бу мамлакатлар олий ўқув юрглари талабалари Деҳлида имтиёзли таълим олиш имкониятига эга. Бундай таълим жараёни қишки ва ёзги ўқиш дастурлари бўйича олиб борилади.

**КОЛЛЕЖЛАРДА  
ЎҚУВ  
ТРАКТОРЛАРИ**

Республикамизда «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Шу жараёнда касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник негизини янада мустаҳкамлашга ҳам эришилмоқда.

Амалиёт машгулотларини олиб бориш учун билим даргоҳлари ўқув тракторларига ва бошқа техника воситаларига ҳам эга бўлди. Бунда «Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссадорлик жамияти, «Чирчиққилшоқмаш», «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги» каби корхоналар маҳсулотлари қўл келди.

Шунингдек «Агрокомб» қўшма корхонаси, «Польёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам ўз ҳиссасини қўшди.  
**Акбар АЛИЕВ**

**Демократия мактаби**

Маълумки, шу кунларда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчиларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида белгиланган ваколат мuddати тугаши муносабати билан республикамизнинг ҳар бир ҳудудида сайловларга қизгин тайёргарлик кетмоқда. Маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари халқнинг энг муносиб вакиллари бўлиши лозимлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ҳамда шаҳар ҳокимлигининг қарорларида ҳам эслатиб ўтилди. Шундай экан, жойларда сайловларга тайёргарлик юмушлари қандай кетмоқда? деган савол тугилиши табиий. Биз ана шундай савол билан Чилонзор тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари, туман кўмаклашув комиссиясининг раиси Фани ИСМОИЛХҲАЕВга мурожаат этдик.

— Туманимизда жойлашган 43 та маҳалланинг барчасида маҳалла оқсоқоли ва маслаҳатчилари сайловларига катта тайёргарлик юмушлари кетяпти. Аввало Олий Мажлис Кенгаши ва шаҳар ҳокимлигининг қарорларидан сўнг туман ҳокимлигида ушбу масала кўриб чиқилди ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида туман кўмаклашув комиссияси тузилди. Ушбу комиссия ҳозирги кунда маҳаллаларда тузилган ишчи-гурухи комиссиялари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Яъни, маҳалла томонидан кўрсатилаётган ҳар бир номзодни биргаллашиб, маслаҳатлашиб ўрганиб чиқмоқда. Сайловнинг мазмун-моҳияти, бугунги кун оқсоқолининг ташкилотчи, чуккур билимли, кенг тафаккурли, давр талабини тўғри тушуна оладиган инсонлар бўлиши лозимлиги ҳақида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Ўтказиляётган давра суҳбатлари, учрашувларга эл ардоғидаги инсонлар, зиёлилар, олимлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар таклиф қилинмоқда, халқимизнинг талаб-истаклари, юракда кечаётган ҳис-туйғулари тингланмоқда. Туманимизда турли миллат вакиллари яшашди. Уларнинг халқимиз билан бир жон, бир тан бўлиб,

тинчлик-тотувликда яшашлари маҳалла оқсоқолининг нечоғлик халқпарварлигига, одамлар тилини, дилини тушуна олишига жуда ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам маҳаллалардаги ҳар бир хонадонга кириб боришга, сайловнинг

**МУНОСИБ НОМЗОДЛАР  
САЙЛанаДИ**

туб моҳиятини аҳолига тушунтиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Маҳалланинг мавқеи тобора ошиб бораётганини, қонуний, ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамлигини ҳисобга олиб айтадиган бўлсак, маҳалла оқсоқоли вазифаси шунчаки мартаба эмас, унинг ҳар ким ҳам уддалай олмайдиган залворли, масъулятли юки бор. Шундай экан, бугунги маҳалла оқсоқоли ҳалол, пок, фидоий, эл-юрт ташвишини, қувончу шодлигини бирга баҳам кўра олувчи, жамиятимиз томонидан қўйиладиган барча талабларга жавоб бера оладиган комил инсон бўлиши лозим. Ўйлаёманки, сайловларга қизгин тайёргарлик кетаётган ҳозирги дамларда халқимиз ўзи учун ҳар дақиқда керак бўладиган, суянадиган, вақти келганда қаттиққўллик, вақти келганда эса меҳри-

бонлик билан одилона, ҳолис иш олиб борадиган табарруқ инсонларни маҳалла оқсоқоли лавозимига сайлайдилар.

Яна бир гап. Туманимизда жойлашган аҳоли сони жиҳатидан ҳам, худудининг катталиги ҳисобидан ҳам бошқариш анча қийин бўлиб қолган «Дўмбиробод» ва «Хирмонтепа» маҳаллаларини икки қисмга бўлиш ҳақида қарор чиқарилди. Энди уларга ҳам алоҳида-алоҳида маҳалла оқсоқоли ва маслаҳатчилари сайланади.

Яқинда туманимиздаги энг ибратли маҳаллалардан бири бўлиши «Шарқ тонги» маҳалла фаолларининг навбатдаги ўқув-семинари намунали тарзда ўтказилди. Унда «Шарқ тонги» маҳалласида 2001-2003 йиллар мобайнида қилинган ишлар жозасидан маҳалла фуқаролар йиғини раиси Обид Аҳмедовнинг ҳисоботи тингланди. Маҳалла фуқаролари олдида икки ғрим йил мобайнида қилинган ишларга ҳисоб берилди. Номзоди кўрсатилаётган барча вакиллар ҳақида тўлиқ маълумотлар кўрсатиб ўтилди. Бахш-мунозара, юқори кўтаринкиликда ўтган бундай ўқув-семинарларнинг барча маҳаллаларда ҳам ўтказилиши режалаб қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, туманимиз маҳаллаларида бўлажак сайловларга пухта ҳозирлик қўрилган, ишонимли ва юқори самияда, ўрнатилган тарзда, муносиблар ичида энг муносиб номзодни саралаб олган ҳолда ўтади. Бизнинг вазифамиз эса уларни қўллаб-қувватлаш, билдирилган таклифларни атрофлича ўрганиб чиқиб, маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари мактебини кўтар оладиган инсонларни сайлашга кўмаклашишдан иборатдир. Менимча шу юрт фуқароси бўлган ҳар бир инсон умумхалқ ишидан четда турмаслиги керак.

**Шоҳида МАХМУДОВА ёзиб олди**

Бир донишманддан сўрашди:

— Пухта ишнинг қилиши нима?

— Аниқ режа ва яхши тайёргарлик, — деган жавобни бериб-ди у.

Дарҳақиқат қаердаки, бирор иш бошлашдан олдин унинг натижасини ўйлаб олдиндан шунга яраша пухта режа ва етарли даражада тайёргарлик кўришга унинг охири ҳаминча самарали ва қўнғили яқун топади. Биз бу фикрининг тўғрилигига қуни кеча Ҳамза туманидаги Аҳмадjon Назаров маҳалласида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Маҳалла аҳлининг сайловга нақадар қизилиб ётиши унга аниқ ва изчил тайёргарлик кўриши ҳар қаламда сезилиб, билиниб турибди. Аввало, сайловга ҳос безатилган маҳалла гузарни киши диққатини ўзига тортади. Ичкарига киришингиз билан кўзингиз деворларга батариб осиб қўйилган маҳалланинг кундалик ҳаётига оид шиор ва плакатларга тўшади. Улар орасида маҳаллада икки сайлов ўртасида қилинган ишларни тасвирловчи фотолар, диаграммалар, турли-туман альбомлар, маънавият ва маърифат, болалар спорти, хотин-қизлар, ёшлар, нурунийлар ҳаётига оид, шунингдек, маҳалланинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий йўналишлари билан боғлиқ сурачлар ва кўрсаткичлар бор. Яна бир томонда маҳалла тадбиркорларининг фаолиятига оид ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ўрин олган. Улар дурадорлик, тикувчилик, тўқувчилик, турли хил кўринишдаги қандолат маҳсулотларидан иборат.

Ўтказиляётган сайловларда Тошкент шаҳрида биринчи ва республикада иккинчи ўринни эгаллаб келаётган ушбу маҳаллада бугунги кунда 2254 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар 437 хонадонга жойлашган. Ойлар сони эса 650 тани ташкил этади. Шулардан 1600 киши сайлаш ҳуқуқига эга. Бугунги сайловга эса улардан 78 вакил қатнашиши белгиланган. Сайлов очик тарзда бўлгани учун вакиллардан ташқари яна 200 дан ортиқ киши тўпланган. Қатнашчиларнинг сони умумий 300 кишини ташкил этади.

Йиғилиш белгиланган вақтда — соат 14.00 да бошланди. Уни 7 кишидан иборат ишчи гуруҳининг бошлиғи Бахтиёр Уролов очди. Бошқарувчи кун тартибининг ўқиб эшиттирди. Йиғилганларни кўриладиган масалалар

билан бирма-бир таништирди. Ҳисобот берувчилар ва сўзга чиқувчилар учун аниқ вақт белгиланди.

**ОШКОРА ҲУС ҲАҚИДА ЎТДИ**



Шундан кейин ҳисобот бериш навбати маҳалла оқсоқоли Собир Комилгова берилди. Ярим соат давом этган ҳисоботда маҳалланинг бугунги фаолияти тўлалигича қамраб олинди. Ҳамма соҳалар бўйича аниқ ҳулосалар, етарли факт ва рақамлар келтирилди. Утган икки ғрим йиллик давр ичида нимакин қилинган бўлса, батафсил баён этилди. Камчиликлар ҳам рўй-рост очиб ташланди. Айниқса болалар спорти билан боғлиқ масалага кенг ўрин берилди. Бугунги кунда маҳалла ўз футбол майдонига эга. Бу ерда спортнинг кўпгина турлари бўйича тўғрақлар ишлаб турибди. Ёшлар тарбияси билан шу маҳалланинг ўзидан етишиб чиққан спорт мураббийлари шуғуллинишмоқда. Маҳаллада тадбиркорликнинг 12 тури бўйича фаолият юритилган. Бир неча цехлар ишлаб турибди. Улардан тўшаётган даромад маҳалла ҳисоб ра-

қамига ўтказилади. Маҳаллада ташкилий ишлар жамоатчилик асосида олиб борилади. Бу ишларда фаоллардан Қобил Толипов, Раҳмонҷоки Имомхўжаев, Ҳожибой Умрзоқов, Замира Аҳмадjonова, Ўткир Жўрабоев ва Мирнаби Мирсодиқовлар ўрнатилган кўрсаткич келмоқдалар. Маҳаллада фавқулодда вазиетларда аҳолини кўтаргани, ёшларни иш билан таъминлаш, тўй-ҳашамларни ўтказиш, хотин-қизлар билан ишлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, ободонлаштириш,


лика кўрик танловида «Энг фаол маҳалла оқсоқоли» йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллади. Маҳаллада оилавий фольклор этнография бадий жамоат ташкил қилинган. Унинг дастуридан миллий қадриятларимиз билан боғлиқ маросимлар, халқ кўшиқлари ва рақслар ўрин олган. Бундан ташқари маҳаллада ҳар йили Мустанқиллик, Янги йил ва миллий ифтихоримиз бўлган Наврўз байрамлари ҳам кўтаринки руҳда ўтказилади. Маҳаллада ўтказиляётган бу маданий-маърифий тадбирлар ёш авлодини Ватанга, миллий қадриятларга ва эл-юртга меҳрмуҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда.

Қизгин савол-жавоблар билан тутаган ҳисоботдан сўнг маҳалла тафтиш комиссиясининг раиси Ҳўлат Маъширинов, ёшлар билан ишлаш комиссияси раҳбари Феруза Азимова, маҳалла профилатика нозир Абдукарим Абдуқалилов, хотин-қизлар комиссияси раиси Барно Нурматовалар қилинган ишлар ва ўзлари бош бўлган комиссия фаолияти ҳақида ҳисобот берди. Йиғилганлар маърузалардан қониқниш ҳосил қилишди. Шундан сўнг янги оқсоқол сайлови бошланди. Маҳалла аҳли томонидан кўрсатилаган уч номзоднинг дастурлари орасида Собир Комилонинг аниқ ва пухта дастури қатнашчилар томонидан қизгин кутиб олинди ва қўллаб-қувватланди. Шундай қилиб, кўпчилик овоз билан оқсоқолликка Собир Комилон қайта сайланди. У эаига билдирилган юксак ишонч учун маҳаллошларига миннатдорчилик билдириди ва келгусида улар ишончини оқлашга ваъда берди.

Оқсоқол сайловидан кейин 13 кишидан иборат маслаҳатчилар номзоди овозга қўйилди. Сўхбат ва савол-жавоб тарзида маслаҳатчиларнинг иш режаси билан танишилди. Кўрсатилган номзодлар ҳам кўпчилик томонидан бир овоздан маъқулланди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Фарида Абдурахимова қатнашди.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**



**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан**

● Афғонистон Конституциясининг янги лойиҳаси матбуотда эълон қилинди. Қобулда уни давлат раҳбари Ҳамид Карзайга тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Мазкур Конституция устида ишлаш шу йил декабрь ойида якунланди. 2004 йил ўрталарида эса умумий сайловлар ўтказилади. Конституция лойиҳасида мамлакат президентига катта ваколатлар берилган. Мазкур ҳужжатга кўра, Афғонистонда икки палатали парламент таркиб топади.

● Озарбайжон пойтахти Бокуда мамлакат Президентини расмий равишда президентлик курсисига ўтказиш маросими бўлиб ўтди. Мамлакат сайлов комиссияси ҳисоб-китоб гуруҳининг маълумотига қараганда 15 октябрдаги сайловларда Илҳом Алиев учун аҳолининг 76,84 фоизи овоз берган. Ингурия маросимида хоризлик 200 нафарга яқин меҳмонлар иштирок этдилар.

● Германия шимолида полициячилар ҳарбий «Зондер команда» билан ҳамкорликда террорчиликка қарши операция ўтказдилар. Гамбург, Киль, Куйн Саксония шаҳарларида амалга оширилган тинтувлар натижасида жуда кўп миқдорда курол-яроғлар, нацистлар анжумлари, ташвиқот адабиётлари, тасмаларга ёзилган фашистик куй-қўшиқлар мусодара қилинди. Янги «Combat-18» номли нацист ташкилотнинг 7 нафар аъзоси ҳибсга олинди.

● Чеченистонда энг хавfli шахслардан бири Шамил Басаевдир. У сўнги йилларда энг қабиҳ ишлар, террорчиларга раҳбарлик қилиш, хориждан сармоялар келтириш билан шуғулланди. Эндилкида уни тутиш ва зарарсизлантириш учун тинч аҳоли томонидан ҳам саъй-ҳаракатлар кўрсатилмоқда. Шу маънода куни кеча «Родина» сайлов иттифоқининг олий кенгаши Шамил Басаевни тутиб берган ёҳуд унинг қаерда эканлиги тўғрисида хабар берган кишига 15 миллион рубл мукофот пули берилмагани эълон қилди.

● Саудиянинг «Ар-Риёда» газетасининг ишончли манбалари таяниб ёзишича, Бағдоднинг Ад-Дора райониди Саддам Хусайнни кўришган. Хабар қилинишича, собиқ диктатор атрофдаги уйларнинг бирига бир неча соат уқлаб олиш учун кирган. Маълум вақтдан сўнг хонадон соҳибининг ўғиллари кўчага чиқиб кетишган. Бундан шубҳаланган соқчилар дарҳол Саддамни уйғотиб, эудлик билан уни бу ердан олиб чиқиб кетишган.

● Британияда мамлакат почта хизмати ходимларининг норозилик намойиши давом этмоқда. Почта касба уюмлари ишчиларининг ойлик маошлари оширилиши ва меҳнат шартлари яхшиланишини талаб қилмоқда.

● Римнинг марказий парки Вилла Боргазедда «Сильвано Тоти» деб номланган театр очилди. У бундан тўрт аср олдин буюк драматург Шекспир асарлари қўйилган «Глобус» театрининг аниқ нусхаси ҳисобланади. Театрга келганлар энди Шекспир даври театрлари ҳақида тасаввурга эга бўлади.

«Сизтл-Тошкент» халқаро уюшмаси ҳамда Сизтл шаҳри мэрияси таклифига биноан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва унинг тузилмалари вакилларида иборат делегация яқинда Америка Қўшма Штатларининг Сизтл шаҳрида бўлиб қайтди. Ташриф икки шаҳар ўртасида ўрнатилган биродарлик алоқаларининг 30 йиллиги муносабати билан уюштирилди.

Тошкентнинг Сизтл шаҳри билан дўстона муносабатлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Сизтл шаҳри мэрияси ўртасида 1973 йилнинг октябр ойида имзоланган келишувга асосан ўрнатилган ва шубҳасиз ўтган йиллар маҳсуллати кечди деб таърифлаш мумкин. Айни пайтда алоқалар илм-фан, маданият, санъат, таълим, спорт, шаҳар хўжалиги каби турли соҳаларда ривож топган. Ўтган вақт мобайнида ҳамкорлик доирасида икки томонлама ўнлаб ўзаро ташрифлар бўлиб ўтди. Юқорида айтиб ўтилганидек, тошкентликларнинг Сизтлга бўлган сўнги сафари биродарлардан шаҳарлар алоқаларининг 30 йиллик санаси билан беvosита боғлиқ эканлиги боис мазкур ташриф ўзаро муносабатларнинг ўзига хос сарҳисобига айланди, шунингдек ҳамкорликнинг янги қирралари кашф этилишига асос солинди десак янглишмаймиз. Биз биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги алоқаларнинг бугунги қирралари, Сизтлга ташриф таассуротлари ҳақида батафсил сўзлаб беришни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Анвар АХМЕДОВдан илтимос қилдик.

— Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида дўстона алоқалар натижасида турли соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилиб, уларнинг самарали ривожланишига эришилди. Жумладан, тиббиёт, маданият, санъат, таълим, меъморчилик ва шаҳарсозлик масалалари юзасидан илмий ва амалий тажрибалар алмашилди. Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш жоизки, мустақил йилларида Тошкент ва Сизтл ўртасидаги муносабатлар янги кўринишга эга бўлди, аниқроқ қилиб айтидиган бўлсак, амалий тус олди. Анъанавий маданий дастурлар намойишидан ташқари, ўзаро манфаатли ҳамкорлик доирасида, масалан, биродарлашган шаҳарлар маъмурияти тузилмалари фаолияти билан танишишга йўналтирилган лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, 2001-2002 йиллар давомида «Аёл ва жамият» лойиҳаси бўйича бир неча бор бўлиб ўтган делегациялар алмасуви доирасида икки томон мутахассислари соғлиқни сақлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мисолида аёллар ва вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш тизими билан яқиндан танишишди. Уз навбатида, ўзбекистонлик мутахассислар Сизтл шаҳар полицияси ва соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил қилинган семинарларда иштирок этиб, мамлакатимизда татбиқ этишга йўналтирилган кенг қўламадаги ахборотлар олишга муваффақ бўлганларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Чунончи, Сизтл шаҳрининг соғлиқни сақлаш тизимига барча тез ёрдам ва санитария-эпидемиология хизматлари, болалар касалхоналари, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга шифохоналар, шунингдек кўпчиликка яхши маълум бўлган «911» хизмати киради. Уларнинг ҳаммаси шаҳар бюджетидан таъминланиши, қолган тиббиёт муассасалари асосан хусусий ҳисобланади. Кутқарув хизмати тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтадиган бўлсак, унинг энг замонавий техник асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани ҳисобига тизимни муҳассамлаштиришга эришилган, яъни Сизтл кичкина шаҳарлар доирасига кирмас ҳам, унинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш йўлида атиги 20 киши хизмат ўтади.

Шу билан бирга шаҳримизга

тажрифи буюрган «911» хизмати вакилларида мамлакатимизда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида кенг қўлланилаётган «Маҳалла — оила — мактаб» концепцияси катта қизиқиш уйғотганини айтиш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, «Тошшаҳарнур» ишлаб чиқариш корхонаси мутахассисларининг Сизтлга бўлган сафаридан сўнг шаҳаримиз кўчаларида аксини топган соҳага оид лойиҳалар юзага келди. Ўтган йили Сизтлда Ўзбекистоннинг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш йўлида инвестицион имкониятлари масалаларига бағъланган катта семинар бўлиб ўтган. Ушбу анжуман доирасида мутахассисларимиз кўчаларни ёритиш тизimini мукамал ўрганиб, шу эрининг ўзида энг самарали ва кам харажат талаб ёритиш манбаларини Тошкент шаҳрида қўллаш юзасидан дастлабки чизмаларни тайёрлаб қайтишди.

Айни пайтда пойтахтимизнинг ободонлаштириш тизимида бино ва иншоотларнинг ёриткичлар билан безатилиши бу борадаги жорий этилган янги лойиҳалардан биридир. Демак, икки шаҳар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш дастурлари ҳаётда ўз ифодасини топаётганига шубҳа йўқ.

Пойтахтимиз маркази — Бобур номидаги истироҳат масканида икки мингдан зиёд тошкентлик-

лар ва сизтллик кўнгилчилар иштирокида барпо этилган Тинчлик боғи ҳам юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир. Ўзига хос меъморий ечимга эга шу каби иншоот Сизтл шаҳри марказида ҳам қад ростлаган. Америкалик Ричард Байернинг Тошкентда ва ўзбекистонлик Яков Шапирнинг Сизтлда ўрнатилган тинчлик ҳай-

қўллаб-қувватлашимизни билдирдик.

Таълим соҳасидаги алоқалар ҳам анъанавий тусга эга бўлмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Миллий университети ва Вашингтон университети ўртасида мутахассислар ва талабалар алмасувини йўлга қўйиш бўйича махсус дастур имзоланган ва бу борада амалий ишлар олиб борилмоқда. «Сизтл-Тошкент» уюшмаси гранти асосида Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси Умид Аҳмедов Сизтлдаги «Норт Сентер» тил институтида тахсил олишга муваффақ бўлгани ҳам эътиборлидир. Ўтган йили АҚШнинг ушбу нодавлат ташкилоти томонидан Тошкентдаги олий ва умумтаълим ўқув юртлари эҳтиёжи учун катта ҳажмдаги турли илмий-оммабоп адабиётлар ажратилганини таълим соҳасидаги ҳамкорлик қир-

бу ерда Ўзбекистон ёшлари ҳаётига оид алоҳида қисм очилган.

Сизтл шаҳри кенгаши раиси Жан Драго бошчилигидаги Вашингтон университети мутахассислари ҳамда штатнинг ишбилармонларидан иборат делегациянинг ташрифи доирасида мамлакатимиз мурувват уйлари ва касалхоналари эҳтиёжи учун зарур бўлган техник анжумлар топширилди, шунингдек «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига «Боинг-757» русумли янги ҳаво кемасини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг октябр ойида Сизтл шаҳрига қилган сафаримиз ҳақида гапирадиган бўлсак, сизтлликлар бизни очиқ чеҳра ва кўтаринки руҳда кутиб олгани бизда катта таассурот қолдирди. Бизга маълум бўлишича, бу ердаги ёшлар ва катта авлод вакиллари ҳам нафақат биродарлашган шаҳарлар, балки Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларидан яхши боҳабардир. Бунда жойларда, шу жумладан ўқув юртлари, турли жамоат ташкилотлари орасида кенг тарғибот ишларини олиб бораётган «Сизтл-Тошкент» уюшмасининг хизмати алоҳида эътиборга лойиқ албатта.

Ўйлайманки, бу борадаги тажрибани биз ҳам татбиқ этишимиз керак, масалан, мамлакатимиз пойтахти биродарлашган шаҳарлари ҳақида фарзандларимиз тўлиқ маълумотга эга бўлиши учун «Ўзбекистон тарихи» факультатив сифатида кўшимча соат киритиш ўринлидир. Бундан ташқари, «Тошкентнинг биродарлашган шаҳарлари» китобини нашр этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ташрифимиз чоғида «Тошкент: тарих ва келажақ» мавзусида ташкил қилинган кўргазманинг очилишида иштирок этдик. Махсус дастурга мувофиқ энергетика департаменти раҳбарияти билан соҳа янгилликлари ва муаммолари юзасидан учрашув бўлиб ўтди.

**Биз ва жаҳон**  
**ТОШКЕНТ — СИЭТЛ:**  
**СЕРҚИРРА ҲАМКОРЛИК**



каллари дўстона муносабатларимизни ҳар доим эслатиб туради. Сизтлда бир неча марта мамлакатимиз тўқимачилигига бағъишланган кўргазмалар ўтказилган. Бундан ташқари, биродарлашган шаҳар муниципалитети биносида доимий фаолият юртувчи «Сизтл-Тошкент» музейи ташкил қилинган. Сизтл болалар музейи ҳам Тошкентдан юборилган экспонатлар билан мунтазам бойитилиб туриши билан бирга,

Вашингтон университетиди тиллар факультети фаолияти билан яқиндан танишиб, келажақда ўзбек тилини ҳам жорий қилиш имкониятлари юзасидан келишиб олинди.

Дунёга машҳур Вудленд боғи ҳайвонот олами билан танишув жуда қизиқарли ўтди. Маълумки, 2000 йилда Тошкент ҳайвонот боғи ва Вудленд боғи ўртасида ветеринария хизмати тақомиллаштириш, информацион технологияларни татбиқ этиш ҳамда шаҳримиз ҳайвонот боғига техник ёрдам кўрсатиш юзасидан шартнома тузилганди ва унга асосан ўзбекистонлик мутахассислар Сизтлда турли йўналишда, шу жумладан ноёб жониворларни касалликлардан ҳимоялашнинг замонавий усулларини қўллаш бўйича тажриба орттириб қайтишди. Бу борадаги ҳамкорлик нечоғлик самара берганини пойтахтимизда жойлашган ҳайвонот боғи ташки кўринишида ҳам сезиш мумкин.

Шунингдек, делегациямиз «Боинг» заводида тақлиф этилди. Бу ерда самолётларни йиғиш жараёнини кузатибгина қолмай, яқиндагина «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳисобида олтинчи бўлиб қайд этилган «Боинг-767» авиалайнерининг биринчи йўловчилари номини олишга сазовор бўлдик. «Боинг» компанияси вакили Давид Росс Ўзбекистон ҳақида кўп илақ сўзлар билдирди, «Тошкент авиацияси ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат ҳиссадорлик жамиятида ўтказилган учрашувларни эслади, бугунги кунда «Боинг» заводида тажриба орттирган тошкентлик мутахассислар томонидан АҚШнинг Сизтл шаҳрида жойлашган машҳур самолётлар ишлаб чиқариш заводи учун айрим бутловчи қисмлар тайёрланаётганини таъкидлаб ўтди.

Сизтл шаҳрининг савдо-саннат палатаси раҳбарияти билан бўлган учрашувлар давомида ҳам шаҳарлари ҳақида фарзандларимиз тўлиқ маълумотга эга бўлиши учун «Ўзбекистон тарихи» факультатив сифатида кўшимча соат киритиш ўринлидир. Бундан ташқари, «Тошкентнинг биродарлашган шаҳарлари» китобини нашр этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**  
**эзиб олди.**  
**СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар ҳокимлиги делегациясининг Сизтлга ташрифи мана шундай сермазмун ва қизиқарли ўтди.**

**Саратан**  
**КЎШИҚЛАР**  
**ГУЛДАСТАСИ**

Кўшиқ — бу севрли, жозибали юрак ноласи, кўнгиллар ҳуморини ёзуви, дилни дилга ром айловчи ажиб бир наво. Унинг ҳуш оханглари инсонларга яхши кайфият, таскин ва ором бағишлайди. Бугунги кунда шаҳримизнинг ҳар бир масканида «Давр садолари» фестивали доирасида турли хил концерт дастурлари бўлиб ўтмоқда.

Яқинда Тошкент тўқимачилик ва энгил санат институтида Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Фахристон Тошмот номидаги «Дуторчилар» ансамблининг концерти бўлиб ўтди.

Ушбу концерт дастурида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист З. Раҳматуллаева, хонандалар С. Тошматов, М. Қурбонвалар ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари билан барчани ҳушуд этишди. Айниқса улар ижросидаги «Ноз этма», «Бодом гули», «Кўрмачингиз», «Унутма», «Соғиндим», «Ким бор», «Ватан мадҳи» каби қўшиқлар томошбинлар томонидан илқ кўтиб олинди.

**САРА МУСИҚИЙ**  
**АСАРЛАР**

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Юнус Ражабий номидаги мактабчилар ансамблининг концерт дастури намойиш этилди.

Мусикашунослар, бастакорлар, шoirлар, хонандалар ва консерватория талабалари иштирок этган ушбу концертда бастакорлар И. Икромов, Д. Зокиров, Г. Тошматов, А. Исмаилов, О. Хотамов, Д. Мамадалиев, Р. Турсуновларнинг энг сара мусиқий асарлари ижро этилди.

**Гулнора САТТОВА**

**ХОТИРА КЕЧАСИ**

Куни кеча Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида атоқли шoir ва драматург, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиб Мақсуд Шайхзода таваллудининг 95 йиллигига бағъишланган кеча ўтказилди.

Кечада таниқли ёзувчи, шoirлар, адабиётшунос ва санъатшунос олимлар, драматурглар ва адабнинг авлодида мансуб кишилар, шоғирд ва издoshлари иштирок этдилар. —Мақсуд Шайхзода ўзининг ажойиб асарлари, дилбар ва чуқур фалсафий шеърини ва драматик достонлари билан ўзига ўлмас ҳайкал қўйиб кетди, — деди Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов тадбирни очар экан. —Тузумлар халқларга қанчалик мураккабликлар келтирган бўлса, ўша халқ адабиётига ҳам шунчалик оғирликлар келтирган. Мақсуд Шайхзода Жалолдин Мангуберди асари учун шўро даври даҳоларига ёкмаган. Шайхзода Жалолдиннинг мўғуллар истибдодига қарши курашга отланиш арафасидаги гапларини бир эсланг. Ахир бу унинг тилидан айтилган миллий озодликка чақирик эди. Шунинг учун ҳам домла Шайхзода ўша давр раҳамоларининг ғазабига учради. Лексин у кўнглини чўктирмай, ҳеч иқтиланмай исқод билан шуғулланди.

Кечада шунингдек Ўзбекистон халқ ёзувчилари Х. Фулом, Мирмуҳсин, Ўзбекистон халқ шoirлари Р. Бобожон, П. Муҳин, Шуқурулло, Ж. Жабборов, адабиётшунос олим Х. Абдусаматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, театршунос Б. Насриддинов ва бошқалар Мақсуд Шайхзодининг иқодида тўхталиб, хотиралари билан ўртоқлашдилар. Кеча сўнгида адабнинг ёзган шеърлари ва «Жалолдин Мангуберди» тарихий драматидан парчалар тингладилар. Хотира кечаси йиғилганларда унутилмас таассурот қолдирди.

**Дилором ИКРОМОВА**

Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб домо бўлиб...

Луқмони ҳаким ёшларга қарата айтади:

— Нафсинг йўлига юрма, қаноатли бўл, ўзингда бўлмаган сифатларни айтиб сени мактаган киши сўзларига алданма. Йўлдошларинг билан низолашма, ҳеч кимни ўзингдан паст кўрма. Сирингни ошкор этма, мол-дунёнингга мағрур бўлма, ҳар кимга очик юз, ширин сўзлик билан муомала қил.

Бир доғишманд сўзи:

— Ёшлигингни асра. Дунёдан ундан яхши нарса йўқ. Ундан қимматли нарса ҳам йўқ. Ёшлигингни худди олтин каби, истаган нарсага ишлатишинг мумкин. Кимда-ким ёшлигида ўзини улуг ва аjoyиб ишлар билан ёки ҳеч бўлмаса, оддий, лекин ҳалол ва фойдали меҳнат билан мустаҳкам боғламаган экан, у ёшлиги қанчалик хушчақчақ ўтган ва қанчалик ёрқин хотиралар қолдирган бўлмасин, уни хайф кетган деб ҳисоблайвериши мумкин.

● Ёшлик — аjoyиб нарса, уни елга совириш жиноятдир.

● Туғилишданок парвозга шай бўлиш дунёдаги энг олий бахтдир.

● Уқишда, меҳнатда, фанда, халққа астойдил хизмат қилишда инсон ўз бахтини топади.

● Қўлингдан келса замондан илгарироқ юр, агар қўлингдан келмаса, замон билан баробар қадам ташла, аммо ҳеч қачон замондан орқада қолма.

Бир доғишманд айтади:

— Азиз ёшлар, одам учун энг қимматли нарса вақтдир. Фурсатдан яхши фойдаланилса, олтинлар топилади, вақтни бекор ўтказиш — олтинларни кўлдан бой беришдир. Ақлли одам вақтини сира ҳам бўш ўтказмайди. Қадимгилар: «Ёшлик вақтида бекорчи сўз ва юриш-туришлар билан фурсатни бой берган киши ниҳоят оч қолиб йиғлайди», — деганлар.

Фарзандлар, тилингни аздаб, тарбияга қарши бўлган ёмон сўзлар айтишдан сақланг, оғиздан чиққан сўз отилган ўққа ўхшайди. Отилган ўқ ҳеч вақт қайтиб келмай, теккан жойини ўпириб кетади. Ёмон сўзни ҳам оғиздан чиқарсангиз, одамларнинг дилларини оғритасиз, кейин айтган сўзингизга ўқинсангиз ҳам фойда бўлмайди. Боболаримиз: «Ўқ яраси тузалади, тил яраси тузалмайди», деганлар. Шунинг учун ёмон, аччиқ сўзлар сўзлашдан сақланг. Яхши, мулоим ва ширин сўзлашга одатланг.

Байт:

**Ҳамма жойда тилингни сақла зинҳор,  
Киши тилингни ёмонидан бўлур хор.  
Ҳамма одамга сен яхши қилиқ қил,  
Тилингни хуш,  
чиройингни илиқ қил.**

● Ёшлик — доноликни ўрганадиган палла. Кексалик эса уни қўлайдиган пайтдир.

● Ёшликда нимани эксанг, улғайганда шуни ўрасан.



## КУЙ—ҚЎШИҚҚА УЛАНДИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Ана шундай аjoyиб ишлардан бири республикаимиз бўйлаб ўтказилиб келинган ва бугунги кунда Тошкент шаҳри худудий босқичи бўлиб ўтаётган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» дўстлик ва маданият фестивалидир. Она диёри-мизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларнинг бирлиги ва жипслигини яна бир бор намойён қилишга бағишланган ушбу фестивалнинг асосий мақсади турли миллатларнинг бой маданий-тарихий меросини тарғиб қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, байналмилаллик ва миллий истиқлол гоёсига садоқат руҳида тарбиялаш, келажаги буюк давлатимиз ва унинг бунёдкор, бағрикенг, меҳридарё халқларини мадҳ этувчи, инсонлар қалбига муқаддас туйғуларни шакллантирувчи бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва қўшиқларнинг юзага келишига кенг имконият яратишдан иборатдир.

Фестиваль давомида яҳудий, турк, арман, грузин ҳамда озарбайжон, қозоқ, қирғиз ва туркман миллий-маданий марказларининг бадиий жамоалари ўз маданиятларининг аjoyиб намуналари билан барчани хушнуд этдилар.

Фестивалга ташриф буюрган барча

санъатсевар юртдошларимизга «Ахъс-ха», «Савил Ансар ўғли», «Артвин», «Ме-гоброба», «Бюльбюллер» хор жамоаси, яҳудий камер ансамбли, «Когершин», «Жемчужина», «Қизжибек» рақс дасталари дўстлик ва қардошлик, она юртимизни мадҳ этувчи дилрабо навалари билан фестиваль улар учун ҳудуд катта имконият эканлигини кўрсатиб юрқандан, дилдан куйладилар.

Ҳар бир миллий-маданий марказнинг чиқишини гулдўрос қарсақлар билан олқишлаб, ижрочиларга янада кўтаринклик бахш этаётган томошабинларнинг айримларини сўхбатга тортиб, уларнинг фестивал ҳақидаги фикрлари билан қизикдик.

### Урбугул СУЙЕРБАЕВА, хонанда:

— Ҳар бир миллатнинг ўзига хос миллий маданияти, урф-одати, ўлмас қадриятлари бор. Фестивалда турли тилларда янграётган жозибадор куй-қўшиқлар, юракларни завқ-шавқ ва ғурурга тўлдирувчи ҳар бир халқнинг фақат ўзига хос бўлган миллий кийимлари кишига бир олам шодлик бахш этади. Демак, халқимиз ўзини, ўзлигини, қадр-қимматини сақлай олади, буюк ота-боболаридан қолган миллийлик, бой меросини йўқотмайди. Озод ва обод Ватандагина шу юрт фарзанди бўлган ҳар бир ватандош учун шундай

имконият мавжуд деб ўйлайман. Хур Ўзбекистонимизнинг нурли келажаги учун бир жону бир тан бўлиб хизмат қилишга бел боғлаганимизнинг сабаби ҳам шунда.

### Бибисора РАЖАБОВА, пенсионер:

Санъатни жон-дилимдан севаман. Катта саҳнада туриб қўшиқ куйлаб, рақсга тўшаётган турли миллат ёшларига ҳавасим келади. Узим 35 йил ўқитувчи, болалар рақс ва хор жамоаларининг раҳбари бўлиб ишлаганман. Шогирдларим ҳозир Республикаимизнинг турли вилоятларида эл ардоғидаги, таниқли инсонлар бўлиб юришибди. Уларни кўрганда умрим бесамар ўтмаганига хурсанд бўламан. Бугун набирам Санамой «Жемчужина» рақс дастасида ўзининг нафис, гўзал рақслари билан хиром этганда юракларим севинчдан гул-пиллақ урди. Илоҳим юртимиздаги тинчлик, омонлик, ўзаро дўстлик-тотувликка ҳеч қачон кўз тегмасин.

Тадбир якунида М.Улуғбек, Ҳамза, С.Раҳимов ва Юнусобод тумани ҳокимликлари барча қатнашчиларни эсдалик совгалари ва Фахрий ёрликлар билан тақдирладилар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА:** «Ўзбекистон умумий уйимиз» дўстлик ва маданият фестивалидан лавҳалар. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

### Мақбурлар

Гиёванд моддаларни экиш, етиштириш, истеъмол қилиш, олди-сотдиси билан шуғулланаётган шахсларга қарши бутун дунё курашмоқда. Чунки, гиёвандлик жамиятнинг маънавий, иқтисодий жиҳатдан инқирозга юз тутишининг асосий сабабларидан биридир.

Бугунги кунда гиёвандлик халқаро ҳамжамиятга ташвишга солгани каби, республика-мида ахлини ҳам бепарқ қолдирмаётир. XXI аср вабоси деб аталган ушбу касаллик мамлакатимизда ҳам намойён бўлмоқда. Ачинарли томони шундаки, гиёванд деб аталувчилар орасида ёшлар кўпайиб бормоқда, яъни илмий тил билан айтганда гиёвандлик «ёшар-моқда». Тошкент автомобиль ва йўллар коллежида ҳам гиёвандликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган тадбир ва чоралар ўзининг мазмун-моҳияти билан эътиборга сазовордир. Ўқув максадида гиёвандликнинг зарари, ёшларнинг ушбу иллатга чалиниб қолишларининг олдини олиш борасида ўқувчи-ёшлар ўртасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Яқинда мазкур коллежда «Ёш автомобилчилар — гиёвандликка қарши» мавзусида давра сўхбати ўтказилди. Гиёвандликка қарши плакатлар, турли расм ва ишланмалар билан безатилган, халқаро Ибн Сино жамғармаси томонидан тарқатилган «Гиёвандлик ёки токсик моддалар қабул қилинганда вужудга келадиган асосий белгилар», «Болангиз гиёванд (токсик) моддаларга ўрганиб қолганини сезсангиз (Ота-оналарга эслатмалар)», «Усмирлик даври ҳақида» каби оммабон рисола ва ишланмалар, «Соғлом авлод» газетасидан намуналар кўйилган. Ўқув юртининг «Маънавият ва маърифат» залига ушбу иллат ҳақида ўз билим ва тушунчаларини кенгайтириш ва тақомиллаштириш иштиёқида бўлган ўқувчи ҳамда ўқитувчилар йиғилдилар.

Ушбу анжумани коллеж раҳбарининг «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича биринчи ўринбосари Фуломжон Эрназаров кириш сўзи билан очар экан, тадбирнинг моҳияти, вояга етмаган ўқувчилар, умуман ёшларнинг гиёван-

длик иллатига қарши кураши, уларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар томонидан муҳофаза қилиниши борасида коллежда олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан халқаро Ибн Сино жамғармаси раисининг ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Зухраҳон Боти-баева билан ҳам суҳбат қилинган. Уларнинг бу касалликка ўз ихтиёри билан дучор бўлиши, гиёванд моддалар энг аввало инсон бош мия фаолиятини заҳарлаши, бу иллатга чалинган кишида ушбу моддаларга нисбатан жисмоний тобеллик вужудга келиши каби фактлар устида батафсил тўхталиб ўтди ва ўқувчи-ёшларни ушбу иллатга яқин йўламасликка даъват этди.

— Ҳозир аниқланган, рўйхатда турган гиёвандларнинг сони 600 нафарга яқин, — деди жумладан тадбирда сўзга чиққан Чилонзор тумани бош наркологи Жамшид Пўлатов. — Лекин аниқланмаганлари бундан бир неча бор кўйдир. Касалликнинг олдини олиш уни довландан бир неча бор энгилроқ. Киши бирдан ҳар бир ўқув ташкилоти, ҳар бир ота-она ўз боласини ўқишдан кейин ким билан ошначилик қилаётгани-ю нима билан машғул бўлаётгани-дан хабардор бўлиб туриши шарт. Агар ота-оналар, жамоатчилик ички ишлар органлари вакилларидан ўз ёрдамларини аямай, улар билан ҳамкорликда профилактика ишларини олиб борсалар, ушбу ишда яхши натижага эришса бўлади.

Қизиқarli ўтган давра сўхбати якунида унинг иштирокчилари ўзларини қизқитирган саволларга мутахассислардан жавоблар олдилар.

**Шавкат ЁҚУБОВ,**  
Тошкент автомобиль ва йўллар коллежи «Маънавият ва маърифат» бўлимининг масъул ходими

### Маънавият ИНСТИТУТДА ИНТЕРНЕТ-МАРКАЗ

Республика олий ўқув юрталари ректорларининг анжуманида электрон почта хизмати-ни кенг йўлга қўйиш тадбирлари қўрилган эди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ўтказилган анжуманда «Электрон почта ва интернет асослари» масаласи кўриб чиқилди.

Олий ўқув юртида кафедра мудириларини шу ахборот тармоғи техникаси англоликлари билан яқиндан ошно қилишга оид ўқув машғулоти ҳам қўрилган натижази берди. Институтда Марказий Сесида табиий ресурсларни бошқаришни тақомиллаштириш лойиҳаси ҳам юзага келди. Ана шу лойиҳа асосида олий ўқув юртида интернет-марказ ташкил этилди. Бу эса электрон почта ва Интернетга кириш учун мустаҳкам техник негиз яратди.

Ушбу марказни бунёд этишда Американинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳам ҳамкорлик қилди. Айни вақтда «Гидро-ахборотлар» маркази ҳам иш бошлади. Эндиликда интернет-марказ хизматидан Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат иқтисодий университетини каби ўнга яқин олий ўқув юрталари ўқитувчи ва талабалари ҳам фойдаланмоқда.

Аҳмад АББОСОВ

**Шурфа олам****OFUTA FOB**

Мисрда наша, кўкнори сингари оғу экинзорларини кашф этиш ва уларни йўқ қилишда вертолётдан фойдаланишга ўтиладиган бўлди.

Миср ички ишлар вазирлиги мамлакатнинг чекка жойларида учрайдиган наша, кўкнори сингари оғу экинзорларига қарши курашиш мақсадида вертолётлар билан таъминланган ҳаво кўриқчилари тузиш масаласи ўрганилаётганини хабар қилди.

Шу кунгача бу ишни мамлакат қуроли кучлари полициячилар билан ҳамкорликда бажариб келишар эди.

Миср ички ишлар вазирлиги мазкур тадбир мамлакатда наркотикининг тарқалишига, айниқса ёшлар ўртасида бу фаолият билан шуғулланишга чек қўйиш мақсадида вазирлик мавжуд барча имкониятларни кенг фойдаланишга биринчи даражали аҳамият бераётганининг ёрқин далолатидир.

**ЧИВИН КУШАНДАСИ**

Мисрда чивинларга қирғин келтириш мақсадида «Гамбузия» балиқларида кўпайтиришга киришилди.

Мисрлик бир илмий ходима магистр илмий даражасини олиш учун «гамбузия» балиқлари ва чивинларидан кутулиш йўлида улардан фойдаланишга самараси мавзудаги илмий рисола эзиб тугатди.

Изданишлар балиқларнинг бу тури сув таркибига қирғин чивин тухумларига киргин келтириш хусусиятига эга эканини исботлаган.

Шуниси диққатга лойиқки, Мисрдаги, айниқса эҳромлар жойлашган минтақадаги оқва сувларда боқилган бу турдаги балиқлар ҳар кунни жуда катта миқдордаги чивин-пашша тухумларини еб битиришган ва бу борадаги тажрибалар ўта самарали бўлган.

Мазкур изланишлар шу мақсадда қўлланганидан ва инсон соғлиғига зарар етказувчи сунъий захарли моддалар ўрнига мурч, зира сингари чивин-пашшага қирон келтирувчи ўсимликлар асосида доридармонлардан фойдаланиш афзаллиқларини кўрсатишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган, зеро, рисолада мурч ўсимлиги ҳашаротларга қарши ўта муваффақиятли киргин келтириш хусусиятига эга экани ҳам ўз исботини топган.

**Долзарб навъу****ТОЗА ҲАВО — ТАНГА ДАВО**

Куз фасли фусункорлиги-ю бетакрор табиати билан ўз ўрнига эга. Боғларимизга фойд бағишлаб турган кўплаб мева, манзарали дарахтлар юртимизнинг чиройига чирой бағишлабгина қолмай, табиий мувозанатни сақлашда, экологимизни соф асрашда аҳамияти беқиёсдир. Айни кунларда кузги дарахт экиш ва хазонрезги юмушлари кизгин паллага кирган.

Табиат — она, биз эса унинг фарзандларимиз. Шундай экан, ўзимиз яшаб, нафас олиб турган ҳудудимизнинг табиати мусаффо, ҳавоси мўтадил, атроф-муҳитимизнинг эса покчи бўлишига эришишда Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси анчагина ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Айни кунларда пойтахтимизда дарахтлардан саргайиб кўплаб барглр тўкилмоқда, бу фаслда хазон ва шох-шаббалар кўпайиб, афсуски уларни ёқиб юбориш ҳоллари кўплаб учраб турибди. Бундай салбий ҳолатлар нафас олиш органларининг касалланишига, юрак қон-томирлари, аллергик касалликларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бу ўз навбатида шаҳримизда экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келади. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳамда пойтахтимизда экологик мувозанатни сақлаш учун хазонлар, шох-шаббалар ва ахлат уюмларини ёқишга йўл қўймасдан ўз вақтида олиб чиқиб кетишнинг самарали чора-тадбирлари кўришмоқда.

Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан шаҳримиздаги барча 11 та туман ҳокимликлари, туманларнинг ободонлаштириш бошқармаларига жойларда бажарилиши лозим бўлган ишларнинг қатъий режаси тарқатилганки, айни кунларда бу борада кўплаб хайрли юмушлар амалга оширилмоқда.

Яъни, ҳар бир туманнинг ўзига ҳос эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ҳар кунни шаҳримиз кўчаларига ажратилган 126 та транспорт воситалари белгиланган қатъий жадвал асосида ишлаб, хазонларни йиғиб, белгиланган манзил — тўкиш ва компостлаш чуқурларига (аввалдан кавлаб тайёрланган) етказадилар. Жумладан, туманлар ободонлаш-



тириш бошқармалари иши 2 сменада ташкил этилган бўлиб, уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида бир неча прессловчи, юк машиналари, шатакли тракторлар каби транспортлар ажратилган. Шунингдек, зарур вақтда туманлардаги корхона ва ташкилотлар ҳам транспорт воситаларини ажратмоқдалар.

Шаҳримиз бўйича 4955 нафар ишчилар тўкилган хазон, қуриган шох-шаббаларни йиғишга маъсуддилар. Мазкур ишга нафақат ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидоги ишчилар, балки уй-ёрланган) етказадилар. Жумладан, туманлар ободонлаш-

си, туман халқ таълими, соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиология бўлиmlари ҳамда корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари кузги хазонрезги ишлари ва тadbирларини ўз вақтида бажариш, хазонларни ёқмасдан махсус чуқурларда кўмиб чиритиш вазифасини бажаришга маъсуддилар.

Жойларда ташкил этилган тезкор навбатчи гуруҳлари ёқилган хазонларни ўчириш тадоригини кўришга жавобгар. Яъни, туман фуқаролари, корхона, ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексининг 91-моддасига асосан

чиқиндиларни йўқ қилиш қоидасини бузганлиги учун шахсий жавобгарликка тортилишлари ҳақида билишлари лозим.

Бундан ташқари туманлардаги маҳаллалар оқсоқоллари, санитария-эпидемиология бўлиmlари ходимлари бир-галликда бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришлари ташкиллаштирилган ҳамда қоидабузарлик ҳолатлари юз берганда, керакли чоралар кўришмоқда. Умуман олганда эса бугунги долзарб, муҳим масалалардан ҳисобланган ушбу ишга барча туманларда алоҳида маъсулият билан ёндашилипти.

Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси «Экосан» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар бўлими Кенгаши ҳамда туман маҳаллалари оқсоқоллари билан ҳамкорликда кўплаб тadbирлар, танловлар, илмий-амалий анжуманлар ва албатта, экологик ҳашарлар ўтказиб келмоқда.

Масалан, яқинда «Орол-бўйи оналари ва болаларига» шиори остида республика экологик шанбалиги ўтказилди. Обод маҳалла йилига бағишланган «Экологик ва саноатлик кунлари» доирасида «Энг обод маҳалла» кўриктанловининг 3-босқичи голибини кўмига томонидан 20 ноябрдан аниқлаш ва республика ташкилий кўмитасига тақдим этиш, халқаро ташкилотлар иштирокида шу ойда «Озода шаҳар» дастурини ишлаб чиқишдек муҳим ишлар амалга оширилиши мўлжалланган.

Хуллас, пойтахтимизда йил сайин атроф-муҳит, сув ва ҳавонинг мусаффо бўлишига эришишга эътибор кучайтирилмоқда, чунки нафақат аҳолининг, балки келажак булғунимиз, саломатлиги ҳам бизни қуршаб турган атроф-муҳитга боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас.

Муҳаббат  
ХАБИБУЛЛАЕВА

**АНИҚ ИШЛАР РЕЖАСИ**

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасида Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига изчиллик билан ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бошқича-босқич амалга оширилмоқда. Дастурнинг сифат босқичида белгиланганлик, республика-миздаги ўрта умумтаълим мактабларида 2005 йилгача ўннинг, ўн биринчи синфлар тугатилиб, ўқувчилар тўққизинчи синфни битирганликдан сўнг академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттиришлари лозим эди. Лекин Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига изчиллик билан ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан айтиб ўтилганидек, бу борада камчиликлар борлиги аниқланди. Янги ўрта махсус касб-хунар муассасаларини ишга тушириш бўйича йўл қўйилган қоқлик, ўрта умумтаълим мактабларида ўқувчилар ўрни етарлики мувозанатда қисқартирилмаганлиги муносабати билан айрим туманларда тўққизинчи синф битирувчилари ўқишни касб-хунар коллежларида ёки умумтаълим мактабларининг ўнинчи синфларида давом эттириш имкониятига эга бўлишмаяпти.

Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг қароридан белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ ишлар режаси белгилаб олинди.

«Туркистон-пресс»

**ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪОНЛАР****ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪОНЛАР**

ОАЖ «SEL-NA» кўшма корхонаси ўз акциядорларига жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлисининг 2003 йил 20 ноябрда соат 16-00 да Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, «SEL-NA» гўшт маркази биносидан ўтказилиши ҳақида хабар беради.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Очiq акциядорлик жамияти шаклидаги «SEL-NA» кўшма корхонаси таркибига янги қатнашчини қабул қилиш тўғрисида.
2. Очiq акциядорлик жамияти шаклидаги «SEL-NA» кўшма корхонаси Низом жамғармаси ҳажминини ошириш тўғрисида.
3. Очiq акциядорлик жамияти шаклидаги «SEL-NA» кўшма корхонаси таъсис ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
4. Очiq акциядорлик жамияти шаклидаги «SEL-NA» кўшма корхонасининг қўшимча акцияларини чиқариш ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш тўғрисида.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

Манзиллимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.



Кўнгил учун musiqa, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».

**Спорт**

**ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — ИККИНЧИ**

Навойи шаҳрида нафис спорт тури — бадий гимнастика бўйича 1989-1993 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида очик Ўзбекистон Кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлардан ташриф буюрган ёш бадий гимнастикачилар иштирок эттиди. Қизиқарли кечган беллашувлар якунида Навойи вилояти жамоасига биринчи ўрин насиб этган бўлса, мутахассислар томонидан голибликка даъвогар дея эътироф этилган пойтахт шаҳри жамоаси иккинчи ўрин билан кифояланди. Фахрли учинчи ўринга Чимкент вилояти бадий гимнастикачилари лойиқ деб топилди. Дарвоқе, пойтахтлик Азиза Йўлдошеванинг чиройли ва нафис ҳаракатлари мусобақа катнашчиларию спорт мухлисларида катта таассурот қолдирди.

**ҲАМКОРЛИК САМАРА БERAДИ**

Истиқлол шарофати туфайли спортнинг бошқа турлари қатори бокс ривожига ҳам катта эътибор қаратилганга ҳеч кимга сир эмас. Шуниси қувончлики, кейинги йилларда ҳамюртларимиз орасида профессионал боксга қизиқаётганлар сони ортиб бормоқда. Ҳамюртимиз Артур Григоряннинг бу борада эришган ютуқларини такрорлаш шарт эмас. Шунингдек, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев ҳамда Қувончбек Тойганбаев сингари ҳамюртларимизнинг ҳозирда профессионал боксда муваффақиятли қатнашаётганлари мамлакатимизда ҳам ушбу спорт тури билан жиддий шуғулланиш лозим эканлигини исботлаб турибди. Ана шунини инобатга оладиган бўлсак, кунинча Тошкент шаҳрига профессионал бокснинг ривожлантириш, бокс мактаби ва уюшмаси ташкил этиш мақсадида Австриядан ташриф буюрган бокс мутахассислари билан ҳамкорликда иш юритиш фойдалан ҳоли эмас. Шу туфайли ҳам пойтахтимизда австриялик промоутер билан ўзбекистонлик бокс спорти мутасаддилари иштирокида ҳамкорлик қилиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уйлаймизки, бу ҳамкорлик албатта ўз самарасини беради.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

**Футбол**

**ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ГАЛАБАСИ**

Ўтган кун футбол бўйича XIII Осиё чемпионатида саралаш турнири доирасида шаҳримизда иккита ўйин бўлиб ўтди. Дастлаб майдонга Тожикистон ва Гонконг жамоалари тушишди.

Рақибларнинг кучлари деярли тенг эди. Шу сабабдан кескин ва муросасиз баҳс давомида дарвозалар дахлсиз қолди ва дуранг натижага қайд этилди. Шундай қилиб, икки ўйин натижасига кўра тўрт очко жамгарган тожикистонлик футболчилар турнир жадвалида пешқадам бўлиб олишди.

Сўнг майдонга Ўзбекистон ва Осиё чемпионатларининг икки қарра бронза нишонларининг соҳиби бўлган Таиланд терма жамоалари тушишди. Дастлабки ўйиндан фарқли ўлароқ жамоамиз таркиби легионерлар билан янада кучайтирилди. Бинобарин, ушбу ўйинда майдонга В.Кириян, Т.Копадзе ва А.Солиевлар ўрнига тажрибали ҳимоячи Олег Пашинин, Москвадан «Локомотив» жамоасида тўп сураётган таянч ярим ҳимоячиси Владимир Маминов (дарвоқе, уни мутахассислар ҳозирда Европанинг энг кучли ярим ҳимоячиларидан бири сифатида эътироф этмоқдалар) ҳамда Киев динамочиларининг етакчи ҳужумчиси Максим Шацкилар тушишди.

Ўйин футболчиларимизнинг ҳужумлари билан бошланди. Шиддатли ҳужумларнинг бирида рақиблар жарима майдони ўртасида тўпни қабул қилиб олган Шацких уни ҳимоячилар қуршовида ишлаб, ерга туширмаган ҳолда кучли зарба билан юқори бурчакка йўллаган ҳолда ҳисобни очди.

Маълумки, Гонконг терма жамоаси билан кечган дастлабки ўйинда жамоамиз ҳужумчиси Владимир Шишелов икки тўп киритган ва яна бир гол урилишига ҳисса қўшган ҳолда учрашувнинг энг яхши ўйинчиларидан бирига айланган. Шанба кунининг ўзининг ийгирига тўртинчи баҳорини қаршилаган Шишелов яна ажойиб ва сермахсул ўйин кўрсатди. Хусусан, Максим Шацкининг ўнг қанотдан узатган тўпни қабул қилиб, қийин вазиятда бўлишига қарамай охишта, бироқ аниқ зарба билан иккинчи тўпни киритишга муваффақ бўлди.

Майдонга битта ҳужумчи билан тушган таиландликларнинг қарши ҳужумлари эса

натижа бермади. Биринчи бўлим 2:0 ҳисобида якунланди.

Иккинчи бўлимда ишқибозлар олқишлари остида узок танаффусдан сўнг майдонга Миржалол Қосимов ва Зайниддин Тожиёвлар тушишди. Унда ҳам футболчиларимизнинг яққол устунликлари сезилиб турди. 73- дақиқада Николай Ширшовнинг оширган тўпидан унумли фойдаланган Шишелов рақиблар жарима майдонига шиддат билан ёриб кирган ҳолда аниқ зарба билан учрашувда сўнгги нуқтани қўйди ва иккинчи ўйинда ҳам терма жамоамизнинг йирик ҳисобидаги галабасини таъминлади.

Шундай қилиб ҳозирча саралаш мусобақаларининг ушбу гуруҳида олти очко жамгарган юртимиз футболчилари қарвонбошилик қилишмоқда. Тожикистон, Таиланд ва Гонконг жамоалари кейинги ўйинларни банд этиб туришибди. Гуруҳдаги охириги ўйинлар бугун бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон-Тожикистон ҳамда Гонконг-Таиланд терма жамоалари кучи синашади. Худди шу жамоалар иштирокида 17-21 ноябрь кунлари Таиландда бўлиб ўтадиган саралаш мусобақаларининг иккинчи босқичидан сўнг келаси йили Хитойда ўтказиладиган Осиё чемпионатининг икки нафар қатнашчиси аниқланади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

**«01»**

**ЭЪТИБОРЛИ ВА СЕЗГИР БЎЛАЙЛИК**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика иқтисодий ти тармоқларини 2003/2004 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш тўғрисида»ги 275-сонли қарорини бажариш ҳамда Республика шаҳар ва туманлари, аҳоли яшаш пунктларида ва халқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш корхоналарида ёнгин хавфсизлиги чораларини кучайтириш мақсадида Юнусобод тумани ёнгин хавфсизлиги хизмати газ ва электр асбобларидан фойдаланишда қуйидаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш ва бажариш кераклиги ҳақида эслатиб ўтади.

● Иситиш печи дудборонининг ёнгинга қарши ажратқичини иморатнинг ёнғувчи қисмларидан 38x38 сантиметр қилиб ишланг.

● Газ асбобларидан фойдаланишда дераза дарчасини очиб қўйишни унутманг. Ёқилган асбобларни қаровсиз қолдирманг. Бу асбоблардан фойдаланишни билмайдиган шахсларни ва болаларни уларга асло яқинлаштирманг.

● Газ плитаси устида кир қуриштиш ўта хавфли эканини ёдда тутинг.

● Газ сизиб чиқишини текшириш учун очик алаңдан фойдаланманг — бу портлашга сабаб бўлиши мумкин. Бунинг учун совун эритмасидан фойдаланин.

● Газ тўлдирилган баллонлар газ плитасидан камиди 0,5 метр, иситиш ва иситиш радиаторидан 1 метр масофада жойлаштирилган бўлиши керак. Баллонларни ўт ёқиладиган печларнинг эшикларини қаршига қўйиш қатъиян ман этилади. Ёқилган телевизорни қаровсиз ёки болалар ихтиёрида қолдирманг.

● Электр тармоғига уланган электр дазмол, электр плита ва бошқа электр иситиш асбобларини фақат ёнмайдиган ва иссиқлик ўтказмайдиган тагликлар устига қўйиш керак. Электр ас-

бобларини фақатгина катта кишилар тармоққа улаши мумкин.

● Электр улагичлар изоляцияси соз ҳолда бўлиши керак. Агар хондонингизда электр улагич симлар эскирган, розетка ва патронлар носоз бўлса, тезда электромонтёрни қақириб бу камчиликларни бартараф қилинг. Бу билан сиз ёнгин чиқишининг олдини олган бўласиз.

Иморатингизнинг қўшини иморати билан туташган оралмига ёнгиндан ҳимоя қилувчи гишдан кенглиги 38 сантиметр ва томдан 60 сантиметр баландликда бўлган девор тикланиши лозим.

Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқали сиз ёнгининг келиб чиқишини бартараф этган, давлат ва шахсий мол-мулкнингизни, ўзингизнинг ва атрофингиздаги кишилар ҳаётини асраб қолган бўласиз.

Мабодо ёнгин чиққанини курсангиз «01»га кўнғироқ қилишни ва ўт ўчириш гуруҳи етиб келгунча ёш болаларни ҳамда қимматбаҳо буюмларни ва керакли нарсаларни олиб чиқишни унутманг.

**Фурқат ТУРСУНОВ, Юнусобод тумани ёнгин хавфсизлиги хизмати инспектори, ички хизмат катта лейтенанти.**

**НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?**

**10—16 ноябрда**

Бугун— Муқимий номидаги ўзбек Давлат муслиқ театрида Х.Хурсанов асари «Ўлдинг, азиз бўлдин» спектакли соат 18.00 да бошланади.

● Абдор Хидоятлов номидаги ўзбек Давлат драма театрида М.Ҳасанов асари «Ёрим кетаман дейди» спектакли соат 15.00 да намойиш этилади.

**11 ноябрда:**

● Ўзбек Миллий академик драма театрида Лессинг асари «До-нишманд Натан» спектакли соат 18.00 да бошланади.

● Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида «Турна патлари» спектакли соат 14.00 да кўрсатилади.

**12 ноябрда:**

Тошканбой Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат циркида 12-13 ноябрь кунлари соат 19.00 да хоразмлик хушовоз хонандалар ихросида концерт намойиш қилинади.

● Муқимий номидаги ўзбек Давлат муслиқ театрида Х.Хурсанов асари «Хотинимнинг уч шайдоси» («Топталган туйғу») спектакли соат 18.00 да бошланади.

**13 ноябрда:**

● Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат академик катта театрида М.Бафоевнинг «Ал-Фарғоний» операси соат 18.00 да намойиш этилади.

● Тошкент Давлат муслиқ театрида «Цирк маликаси» спектакли соат 18.00 да бошланади.

**14 ноябрда:**

● Республика киночилар уйида « Ўн етти ёшлар» комедия фильми соат 12.30, 15.00, 19.00да, «Мени охишта ўлдир» (триллер) бадий фильми эса соат 17.00, 21.00 да намойиш қилинади.

● Республика кўнғироқ театрида «Миёвлаган ким бўлди?» спектакли соат 10.00, 12.00 да бошланади.

**15 ноябрда:**

● Ўзбек Миллий академик драма театрида У.Азимнинг Ф.Фуллом асарлари асосида сахналаштирилган «Ўтган замон хангомалари» спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

● Тошканбой Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат циркида Никулин цирки иштирокида «Евро цирк» супер шоуси қуйидаги томошаларни кўрсатади. Ўзбекистонда ilk бор патангон денгиз шерлари, айиклар, маймун ва отлар, кучуклар, йўлбарслар, кулги қироллари, масхарабозлар гуруҳи иштирок этади. Томшалар соат 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.

**16 ноябрда:**

● Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат академик Катта театрида К.Хачатуряннинг «Чипполино» операси соат 12.00 да, М.Ашрафийнинг «Дилором» операси соат 17.00 да намойиш этилади.

● Ўзбек Миллий академик драма театрида Э.Хушвақтов асари «Қаллик ўйини» спектакли соат 13.00 да бошланади.



— Камбағал кўёвга турмушга чиқмайман. Абдурауф Ҳақимов чизган расм.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3597 нускада босилди. Қоғоз бичини А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-қандам билан қўйилган

Нашрига етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмақониси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.